



Ўзбекистон Халқ ҳаракати етакчиси, ўзбекистонлик энг таниқли муҳолиф сиёсатчиси, ватанида сиртдан 15,5 йилга озодликдан маҳрум этилган ва айни пайтда Туркияда истиқомат қилаётган Муҳаммад Солиҳ Чехия президенти Милош Земанга очик хат йўллади. Мактуб Ўзбекистон президенти Ислом Каримовнинг 21 февраль куни режалаштирилган Прагага ташрифи муносабати билан ёзилган.

Олдинроқ Чехия Республикаси президенти номига бир вақтнинг ўзида ўттизта ҳуқуқ ҳимоя ташкилоти ҳам ўз очик хатларини юборганди. Улар Земандан агар ташрифни бекор қилишнинг иложи бўлмаса, музокаралар давомида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг жиддий тарзда бузилаётгани масаласини кўтаришга чақирдилар.

М.Солиҳнинг хатининг матнини тўлиқ ҳолда келтираемиз:

\*\*\*

## Чехия Президенти Земанга очик хат

Ўзбек диктатори Каримовнинг Прагага келиши муносабати билан Сизнинг адресингизга айтилган танқидлар кўпайди. Сизни 2005 йилда ўз халқини ўққа тутиб, қатлиом уюштирган ва режим муҳолифларини қийнаш ва ўлдиришни қонунийлаштирган бир “сиёсий арбоб” билан учрашмасликка чақирмоқдалар.

Аммо Сиз, жаноб Президент бу давлатга Европада кўникилганидан фарқли ўларок, айниқса, Чехия каби инсон ҳақлари бир миллий бойлик савиясида эъзозланган бир ўлка

лидеридан томонидан қутилмаган бир тепки кўрсатдингиз.

Сиз инсон ҳақлари ҳимоячиларини “мунофик”ликда айблагингиз, чунки улар, сизнингча, диктатор Ислом Каримовни Брюссел қабул қилганида индамай, уни АҚШ мулозимлари Афғонистондаги манфаатлари туфайли бошига кўтарганида, уларга сизга қўйилган талабни қўймаганлар. Жаноб Президент Земан, Сиз бир хусусда юз қарра ҳақлисиз: чиндан ҳам ўзбек диктатори ҳеч қачон на Брюсселда, на Вашингтонда у ҳақ этган манфий муносабатни кўрмади. Қолбуки, Каримовнинг халқни эзиш тажрибасидан 1 фоизини ҳам эгалламаган Лукашенко, Янукович каби авторитар лидерлар бугун Европа ва АҚШ учун том маънодаги диктаторлардир.

Мунофиқликнинг ҳақиқийси бу эмасми, жаноб Земан?

Ўзбекистонлик муҳолифларга келсак, бу жамоа энг даҳшатли шароитда – доимий изоляцияда, мунтазам тазйиқ ва қийноқ шароитида, ҳар он ва ҳар ерда – ичкарида ёки хорижда – ўлдирилиш таҳликаси остида яшамокдалар!

Бу инсонлар Каримов режимида норозиликларини 25 йилдан бери тўхтамасдан билдириб келмоқдалар. Агар Сизга қизиқ бўлса, Европа Иттифоқи ва Оқ Уй архивларига бир кўз ташланг, у ерда биз ёзган “очик” ва “ёпиқ” хатларимизнинг улкан қабристонини кўрасиз.

Табиий, Фарбда “инсон ҳақлари ва демократик кадриятлар”ни рад қиладиган битта ҳам сиёсат

арбобини тополмайсиз. Аммо иш конкрет амалга келганида, аксарият сиёсатчиларнинг сўзи амалидан яшин тезлигида узоқлаша бошлайди.

Фақат бу лидерлар оломони ичида жуда оз шахсларгагина ўз сўзининг эгаси бўлиш насиб этади.

Шундай шахс Вацлав Гавел эди. Мен бу шахсни буюк бир ҳурмат ва миннатдорлик туйғуси билан эслайман.

2001 йилда Ўзбекистон давлати талаби билан Прага шаҳрида ҳибсга олиндим. Мени бир пайтлар Вацлав Гавел ўтирган Панкрас турмасининг бир хужрасига қамадилар.

Камина “давлат тўнтаришига ташаббус қилган бир террорист” айблови билан ҳибсга олинганим ва Ўзбекистонга экстрадиция қилинишим хавфи жуда қатта эди.

Аммо ҳибсга олинганимдан 5 кун сўнгра радиодан Чехия президенти Вацлав Гавел чиқиш қилиб, “ўзбек муҳолифатчисининг ҳибсга олинishi хато бўлди” деди. Бу баёнотдан сўнгра 40 кунга қамоқ ҳукми чиқарилганига қарамай, мени 14 кун сўнгра судгача Президент Гавел кафолати билан озод қилишди.

Бу воқеадан кейин Ўзбекистон раҳбари Каримов Гавелга қарши шантаж бошлади. “Ўзбекистон билан тузилган кўп миллион долларлик трамвай сотиб олиш лойиҳасини бекор қиламан”, деб туриб олди.

Бунга жавобан Вацлав Гавел: “Чехия ҳар қандай шароитда бир тоталитар лидерга бир диссидентни таслим қилмайди”, деди.

Вацлав Гавел шундай инсон эди. Сўзи ва амали ҳар доим бир бўлган лидер эди.

Бундай шахслар фақат ўз халқларининг эмас, балки бутун Башариятнинг номусларидир. Бизнинг номусимиздир.

Саройингизда Ўзбек диктаторини қабул этаркан, бу хусусни унутмаслигингизни жуда-жуда истардим.

Энг яхши тилаклар билан

**Муҳаммад Солиҳ**

**ЎХХ лидери**

**12.02.2014, Истанбул**

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 21 февралда бошланиши кутилган Чехия сафари "кечиктирилди", дея маълум қилди расмий Прага вакиллари.

Чехия Президентининг ташқи сиёсат буйича маслаҳатчиси Хинек Кмоничек (Нупек Кмонісек) сафарни кечиктиришни ўзбек томони илтимос қилганини айтган. Бунга сабаб сифатида "Каримовнинг иш тартибига тўғри келмагани" келтирилган. Нега шунча вақтдан бери жар солиб келган Ўзбекистон ОАВ бундан беҳабар бўлгани ҳозирча номаълум.

Кмоничек "бу дегани – "сафар бекор қилинибди" дегани эмас" дея дипломатик силлиқ жумла билан қўтилган қўйган.

Каримов сафари мобайнида Ўзбекистон-Чехия муносабатларига алоқадор 10 та ҳужжат имзоланиши режаланган эди. Бу ҳужжатларнинг мазмуни ҳам номаълумлигича қолмоқда. "Бу ҳужжатларнинг ҳар бирини имзолаш учун белгиланган вақт ўзбек томонининг иш тартибига тўғри келмаган", деб айтган Кмоничек.

"Бундан ташқари, ташриф давомида Каримов шарафига Чехия бош вазири расмий зиёфат бериши режаланган эди, аммо шу кунлари (21-23 февраль – таҳр.) бош вазир Прагада бўлмайди. Шу боис ўзбек томони сафарни кейинроққа суриш маъқул эканини билдирди", – деб айтган Чехия Президенти вакили. Зиёфатни бошқа биров, масалан ўша Земаннинг номидан бериш мумкин эмасмиди, ёки битта зиёфат берилмаса, бутун бошли расмий ташрифни тўхтатиш керакми? деган саволлар ҳам жавобсиз қолмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунгача на Ўзбекистондаги, на Чехиядаги расмий ОАВда "Каримовнинг иш тартиби" ёки зиёфат берилмайди деган гаплар йўқ эди, балки аксинча, юртбошининг ташрифи энг юқори даражада ҳимоя қилиб келинганди. Европадаги бир қатор инсон ҳақлари ташкилотлари Президент Милош Земанга мурожаат йўлаб,



уни "ўз мамлакатиде авторитар тузум ўрнатган" Президент Каримов билан учрашувдан воз кечишга чақиришганди.

Земан эса ўта кескин бир тарзда жавоб қайтариб, уларни "иккиюзламачи"га чиқарганди. Бир кун ўтиб эса, Каримовнинг келишига бош вазир ғойиб бўлиб, президент ҳам мум тишлаб қолган. Ҳатто энди қачон келиши ҳам номаълум бўлиб қолган.

Ғарбнинг Ўзбекистондаги манфаатлари бунчалик ғаройиб тезликда қиёфа ўзгартиришига ажаблантирмаслик керак. Яқиндагина АҚШ Конгресси

Ўзбекистонга қурол-яроғ етказиш қарорини тасдиқлади, бу ҳам силлиқ ўтмади, яна Ўзбекистондаги инсон ҳақлари аҳволи эсланди. Энди эса Каримовни Европанинг қоқ марказида меҳмон қилиниши инсон ҳақлари ёки қамоқдаги қийноқлар ва ҳ.к. каби қатор оғриқли мавзуларнинг очилиши, бундан-да муҳими – диктатура режимлари билан Ғарбнинг яширин

ва ошкора ҳамкорлиги мавзулари кун тартибига келиши тобора аён бўлиб бораётган эди.

Бундай вазиятда, қарор айнан Каримовнинг қондасидан олинади: "одам йўқ – муаммо ҳам йўқ!" битта шарқ деспоти остонадан ҳайдалса ҳайдалибди-да. Муҳими Ғарбнинг "демократик" деган имиджи сақланиб қолса бас.

Бу имидж Каримовдан ҳам, Ўзбекистондаги қийноқлардан ҳам муҳимроқ.

Шундай экан, Карим кетса кетсин, обрў кетмасин.

Тўғрими, жаноб Земан?

UZBEK.FM



Eurasianet.org нашри хабарига кўра, АҚШ Конгресси Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари борасидаги ўта ёмон кўрсаткичларига қарамай, бу давлатга қурол-яроғ етказишга рухсат берди.

Аввалроқ Қўшма Штатлар Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият ёмонлашгани боис 2004 йилда бу мамлакатга

қурол-аслаҳа етказишни чеклаб қўйган эди. Оқибатда 2005 йил Андижон ҳодисалари ортидан АҚШ-Ўзбекистон муносабатлари баттар ёмонлашди.

Аммо кейинроқ АҚШнинг Афғонистондаги урушида Ўзбекистон яна керак бўлиб қолди, ва 2011 йилда АҚШ Сенати Ўзбекистонга ҳарбий ёрдамни таъқиқловчи инсон ҳуқуқлари

билан боғлиқ чекловларни бекор қилди. АҚШ қонунларига кўра, Конгресс қарорлари вақти-вақти билан такрор тасдиқланиб туриши керак, шунинг учун бу қарор ўтган ойда қайта кўриб чиқилган ва такрор тасдиқланган.

Конгресс вакилининг айтишича, бу Ўзбекистонга трансмиллий ва террористик таҳликаларга қарши курашда ёрдам беради, Ўзбекистонга етказиладиган ҳарбий анжомлар орасида дрон учоқлари, тунги кўриш мосламалари, GPS аппаратлари, индивидуал мудофаа воситалари бор. Бундан ташқари, Ўзбекистон АҚШнинг Афғонистондан кетиши асносида минадан ҳимояланган машиналар олишга уринмоқда.

Конгресс қарорининг навбатдаги тасдиқи 2015 йил 30 сентябрда имзоланиши керак.

UZBEK.FM





Сочиға борган Ўзбекистон президенти Ислом Каримовнинг Олимпиада очилиш маросимида иштирок қилган президентлар ичида кўрсатилмагани турли тахмин ва гап-сўзларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Биринчи ва энг кўп тарқалган тахминга кўра, “Ислом Каримов Сочи-2014 очилиш маросимида қатнашгану, фақат Россия телевидениеси уни атайлаб (Россия президенти Владимир Путиннинг топшириғига кўра) кўрсатмаган. Худди ўзбекистонлик спортчилар стадионга кириб келганда атайлаб “Тожикистон делегацияси”, деб таништирилгани каби” эмиш.

Бу тахминга кўра, Путин шу тариқа Каримовни масхара қилиб, ер

билан бир қилмоқчи бўлган. Худди ўзбекистонлик фахрий меҳмонлар рўйхатида президент Каримовнинг исми-шарифини наркофурушликда

## КАРИМОВ СОЧИДА ҚАЕРГА ҒОЙИБ БЎЛДИ?

гумонланиб, қидирувга берилган Гафур Раҳимовнинг исмидан кейин кўйиб, шарманда қилгани каби.

Иккинчи тахминга кўра эса, президент Ислом Каримов Сочиға боргану, фақат ўз хавфсизлигидан хавотирга тушиб, яъни ҳаддан ташқари кўрқоклигидан Олимпиаданинг очилиш маросимида иштирок қилмаган. “Ўзбекистон президентининг

хавфсизлик хизмати Каримовга текширилмаган оломоннинг ичига бормасликни таклиф қилиб, шундоқ ҳам кўрқок Каримовнинг ўтақасини ёрган” – дейишмоқда бу тахмин тарафдорлари.

Учинчи тахминга кўра, Сочиға айнан Олимпиаданинг очилиш маросимида иштирок қилиш учун борган Каримовнинг мазаси қочиб, Ўзбекистон президенти бу маросимда иштирок қила олмай қолган.

Ва тўртинчи тоифа гап-сўзларга кўра, ўз исми-шарифи ўзбекистонлик фахрий меҳмонлар рўйхатида Гафур Раҳимовнинг исми-шарифидан кейин

кўйилганини Сочида билган Ислом Каримов Россия президентининг бу қилиғига норозилик сифатида Олимпиаданинг очилиш маросимида атайлаб бормаган эмиш.

Яъни “ўзбек”лиги тутиб кетиб, Каримов: “Олимпдангаям, стадионинггаям, стадионингнинг директориягаям” – деган эмиш.

**Саид АСКАР**

Ўзбекистондаги ОАВ хабар қилишича, Тошкент шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов 15—16-феврал кунлари умумшаҳар шанбалигини ташкил этиш ҳақида фармойиш эълон қилган.

Ҳокимиятда таъкидланишича, “ноодатий тарзда совуқ келган феврал ойи пойтахтнинг хизмат кўрсатувчи ташкилотлари, ҳокимликлар олдига қатор

ётган ҳудудлар етарли”, дейилади ҳокимият баёнотида.

Фармойишга кўра, йўллардаги муз қоплаган жойларни, шунингдек, ҳали олиб кетишга улгурилмаган қор уюмларини олиб чиқиш, йўлларда қорнинг тезроқ эриши учун туз-қум аралашмаси сепиш ишлари хашар йўли билан амалга оширилади. Шаҳардаги савдо, маиший



тузилган ва уларга шаҳар бюджетидан мўмайгина пул ҳам ажратилган.

Пойтахтдаги 63 та рўйхати келтирилмаган кўчага алоҳида эътибор қаратилади, деб таъкидланган яна баёнотда.

Ҳашарда мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона ва ташкилотларнинг фаол иштироки “кўзда тутилган”, яъни мажбурланади.

Тадбирни “юкори савияда ташкил этиш”га, ҳар доимгидек, туман ҳокимлари ҳамда маҳалла раисларига шахсий масъулият юкланган.

**UZBEK.FM**

## ТОШКЕНТ ҲОКИМИ КЎЧА ТОЗАЛАШ УЧУН ХАЛҚНИ БЕПУЛ ИШЛАТМОҚЧИ

кутилмаган муаммоларни келтириб чиқарган (аслида, ҳокимият етарлича тайёргарлик кўрмаган – тахр.). Бу муаммолар ичида газ ва электр таъминотидаги эҳтиёжнинг бир неча баробар ортиб кетиши, йўлларнинг музлаши ва ҳоказолар бор. Об-ҳаво шароити бироз енгиллашса ҳам, аммо Тошкентнинг кўплаб кўчалари, айниқса, офтоб тушмайдиган жойларда ҳали яхмалак бўлиб

хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчалари атроф-ҳудудларини, бозорларнинг кириш қисмларини қордан тозалаш ишларини ташкил этиш ҳам белгиланган. Қор уюмлари ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун кўшимча транспорт воситалари жалб этилиб, бу иш тизимли равишда ташкил этилади. Аслида эса, бундай ишлар учун давлат тарафидан алоҳида мутасадди ташкилотлар



“Ипотекабанк” бошқаруви раиси Отабек Жўраев валюта қора бозорига доллар чиқариш ортидан 1 млн доллар фойда кўргани маълум бўлди. Ўзбекистонда чоп этиладиган “Хуқук” газетасининг ёзишича, О.Жўраев Марказий банк томонидан ажратиладиган ҳамда “Ипотекбанк”нинг ўз ресурси ҳисобидан сотиладиган валютанинг асосий қисмини маълум филиалларга ажратган. Филиал раҳбарлари эса валютани фақат ўзларига тегишли шахсларга сотишган. У ёғини эса маълум: филиал раҳбарлари, ўз навбатида,

## ДАВЛАТНИНГ ЧЎКИШИ: “ИПОТЕКАБАНК” РАИСИ \$1 МЛН.НИ ЎЗЛАШТИРГАН

валютани қора бозорда пуллаб, ундан банк катталарига “доля” узатиб турган.

Бу жиноятчи тўдада “Ипотекабанк”нинг пойтахтдаги деярли барча район раҳбарлари бўлган. “Хуқук” газетаси уларнинг исмлари ҳам келтирилган: А.Усмонов–“Ипотекабанк” Тошкент шаҳар филиали бошқарувчиси, А.Тожихўжаев – Тошкент вилоя-

ти филиали бошқарувчиси, Қ.Абдуллаев – Юнусобод филиали бошқарувчиси, З.Одилов – Чилонзор филиали бошқарувчиси, В.Қаюмов – Шайхонтохур филиали бошқарувчиси, И.Хасанов – Миробод филиали бошқарувчиси, У.Ҳайдаров – Ангрен филиали бошқарувчиси, У.Ҳотамов – Оҳангарон филиали бошқарувчиси, Ф.Тўйчиев – Чирчиқ филиали бошқарувчиси. Улар “Ипотекабанк” каттасига ўринбосари Музаффар Эрматов орқали мунтазам равишда

қора бозордан тушган фойдани узатиб турган.

Ўзбекистонда хорижий валютанинг расмий курси билан реал (қора бозордаги) курси фарқ қилади. Миллий Банкдаги расмий курс – 100 USD = 223.749 UZS, қора бозорда – 100 USD = 286.000 UZS. Шу фарқ устида ўйнаб, фақат банк ва давлат ходимлари чайковчилик қилади.

UZBEK.FM

Туркияда расмий иқомати бўлган ўзбек Маҳмуд Раҳимов Истанбулдаги уйи тинтув қилинган ҳибсга олинган, ва Ўзбекистонга депортация этилиш арафасида турибди.

Туркияда бир йил муддатга расмий иқомати бўлган Маҳмуд Раҳимов 10 феврал тонгда Истанбулнинг Бошоқшаҳар бўлгасидаги уйдан полициячилар ҳибсга олган ва маҳаллий полиция марказидан Истанбул шаҳар полиция қамоқхонасига (Қумқопига) келтирилган.

Маҳмуд Раҳимов ҳам минглаб ўзбекистонликлар каби ватанидан ўз диний қарашлари сабабли тайзикларга учраган, ва шу сабабли Туркиядан бошпана олган эди.

Ўзбекистондан бошқа ўлкаларга қочқин ўлароқ кетган ўзбеклар, Ўзбекистонга қайтарилса қатл этилиши ёки бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм этилиши мумкин. Ўзбекистон қамоқхоналаридан ҳар йили минглаб муслмонларнинг қийноқлар остида жон берган жасадлари чиқади.

Илк бор бу воқеа ҳақида маълумот тарқатган Истанбулдаги “Ўзбеклар бирлиги” жамиятининг билдиришича, бир муддат аввал Маҳмуд Раҳимовга махсус хизматларга ишлаш таклиф этилган ва таклифни қабул этмаса, депортация қилиниши айтилган.

“Ўзбеклар бирлиги” раиси Адем Чевик бу ҳақда шундай деди: “Олдин ҳам бир қанча Ўзбекистонлик қочқинлар инсоний ҳақлари поймол этилиб, халқаро

қонунларга бутунлай зид равишда қочиб келган ватанларига депортация қилинган. Афсуски, Истанбул полиция маркази бундай ноқонуний ва ноинсоний фаолиятни ҳануз давом эттирмоқда. Улимга юборишда Туркия ҳукумати дастак бўлмасин. Муҳожирларни

топширилиши, Истанбулдаги бир қатор исломий жамиятлар, медиа ва инсоний ташкилотлар тарафидан қаттиқ норозиликлар билан қаршилланган эди. Бу намоёишларда “Қумқопи – Гаунтанамо бўлмасин”, “Бошпана олган биродарларимизга инсоний



ўз сиёсий тижоратида олди-сотди воситаси қилмасин”, деган Адам Чевик, Истанбулдаги Қумқопи полиция марказини “Туркиянинг Гуантанамо”си дея атади.

Адам Чевик, бундан ташқари, агар Маҳмуд Раҳимов Ўзбекистонга қайтарилса, Туркиядаги ҳукумат ва хавфсизлик ташкилотларини, инсониятга қарши жиноятда айблаб, уларга қарши маҳкама даъвоси очишини маълум қилди.

Туркиядан бошпана топган муслмонларни ҳақлари поймол этилиб, авторитар ва тоталитар режимларга

муомала этилсин”, “Бошпана олган биродарларимизни қийноқлар қўлига топшириш – улкан шармандалиқдир” ва “Муҳожирларга сиёсий бошпана берилишини талаб қиламиз” каби қаҳриқлар янграган эди.

Эслатиб ўтамиз, Қумқопи шубҳасидан депортация қилинган сиёсий ва диний қочқинлар орасида ўзбекистонлик Зайниддин Асқаров халқаро ташкилотларнинг депортация қилинмаслик ҳақидаги қарорига зид равишда Ўзбекистонга қайтарилган ва турмада қийноқлар остида ҳалок бўлган.

UZBEK.FM

Таҳмин қилганимиздек, “Ислон Каримов умрининг охиригача иктидорда қолишга қарор қилди” сарлавҳали мақоламизда ўзбек муҳолифати ва халқини Каримов диктатурасига қарши қуроли курашга қақирганимиздан кейин бизга қарши турли шарҳ ва мақолалар селдек ёғилиб кетди.

Лекин биз Каримов режимини ҳарбий йўллар билан ағдаришни қораловчиларнинг чиқишлари фақат қаттиқ чинқириш ва бемаъни жазавадан иборат бўлади деб ўйламагандик.

Биз “reasetan”лар (“тинчлик тарафдорлари”) диктатурага қарши тинч йўллар билан курашишни ҳимоя қилиш учун жиддий далиллар келтирадилар, деб ўйлагандик.

Бироқ улар ўз қарашларини ҳимоя қилиш учун Суриядаги фуқаролар урушини мисол келтирдилар холос. Шунда ҳам қуроли курашга қарши бу далилини улар қулоғидан тортиб чиқаришди.

Шунга қарамасдан, биз аксилкаримовчи ва каримовпараст лагерлардан чиққан “reasetan”ларнинг сеvimли мисолига бафуржа тўхталишга қарор қилдик.

Чунки масалага холис қараб, холис фикр юритадиган бўлсак, ҳаттоки Суриядаги уруш ҳам Каримов диктатурасига қарши тинч йўллар билан эмас, аксинча, ҳарбий йўллар билан курашиш зарурлигига асосдир. Шундай қилиб...

**Суриядаги уруш – ҳарбий ҳаракатлар фойдасига ишлаётган далил**

Даставвал аксилкаримовчи ва каримовпараст лагерлардан чиққан “reasetan”ларнинг Сурия борасидаги позициясига тўхталамиз. Уларнинг бу масаладаги жазавасини қисқа тарзда: “айбдор қолиб, айбисзни айблаш”, дейиш мумкин.

Чунки бутун дунёга маълум-ки, Сурия урушидаги вайронгарчиликларнинг 99,9 фоизини қуролланган мужоҳид ва исёнчилар эмас, балки Башар Асаднинг армияси амалга ошироқда.

Суриядаги шаҳар ва қишлоқларни ҳам қуролланган муҳолифат ва мужоҳидлар эмас, айнан президент Башар Асаднинг авиацияси бомбардимон қилмоқда.

Яқинда Асаднинг ҳарбий учоклари Хомс шаҳрига халқаро инсонпарварлик ташкилотлари томонидан келтирилган ичимлик суви ва озик-овқатларни олиш учун

навбатда турган тинч аҳолининг устига ҳам бомба ташлашди.

Шуларни билатуриб, Суриядаги шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирганликда ҳамда кўп сонли сурияликларни ўлдирганликда бутун тараққийпарвар олам Асад ҳукуматига қарши курашаётган қуроли муҳолифат ва мужоҳидларни эмас, балки Асад ҳукуматининг ўзини айбляпти.

Ўзбекистондан чиққан аксилкаримовчи ва каримовпараст “тинчликсевар кучлар”гина Суриядаги урушнинг дахшатли оқибатларида муҳолифат ва мужоҳидларни айблашмоқда. Чунончи, қип-қизил исломофоб, ўзбекофоб ва ирқчи журналистнинг “мустақил” сайти: “Суриядаги урушнинг талофатларига Башар Асаднинг диктатурасига қарши қўлларига қурол олиб, исён кўтарган суриялик муҳолифатчилар ва мужоҳидлар сабабчидир”, деб ёзди.

тинчлиги ва осойишталиги учун қайғуришганда, “ўзбек халқи Каримовнинг диктатурасини ағдариб, бу диктатура тортиб олган ҳокимиятни ўзига қайтарсагина ҳақиқий тинчлик ва осойишталикка эришиши мумкин”лиги ҳақида ҳеч бўлмаса бир сатр ёзишарди.

Аксилкаримов ва каримовпараст лагерлардан чиққан “reasetan”лар “оддий халқнинг тинчлиги ва осойишталиги ҳақида қайғураётган” илк одамлар эмас. Сурияда тинч аҳолининг Башар Асад армияси томонидан ўлдирилаётганлигини ҳам тарихдаги биринчи шундай воқеа эмас: зулм авваллари ҳам ўз рақибларини тинч аҳолига қарши уруш очиб, қўрқитишга ва таслим қилишга ҳаракат қилиб келган. Шундай қилиб...

**Тарихдан мисоллар**

Зулм ўз душманларига қарши ҳамиша анъанавий усуллар ёрдамида курашган ва курашмоқда.

## **УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: СУРИЯ САБОҚЛАРИ ВА “ТИНЧЛИКСЕВАРЛАР”ГА ЖАВОБЛАР**

Ўзбек махсус хизматларининг ва Каримов Хавфсизлик Кенгашининг “блокировка қилинган” минбари бўлмиш izm-etronom.com сайти эса: “Суриядаги муҳолифатчилар ва мужоҳидлар Асад диктатурасига қарши ҳарбий исён кўтармаганларида ушбу юртда уруш бўлмасди”, деб ёзди.

Бундай баёнотларнинг муаллифлари журналистикадаги оқни қора ва қорани оқ дейиш ҳамда нарсаларни ўз номи билан айтмаслик “санъати”ни шунчалик ўзлаштирганлар-ки, ўз нашрларининг саҳифаларидан тамоман мантиқсиз нарсаларни ёза бошлашган.

Уларнинг аксилҳарбий жазаваси улар ҳарбий кураш олдида қолиб кетиши кутилаётган Каримов диктатураси ҳақида қаттиқ қайғураётганини кўрсатди. Ва ўзларининг мана шу қайғусини улар ўзбек халқининг тинчлиги ва осойишталиги ҳақидаги ташвиш қилиб кўрсатишга уринмоқдалар.

Аслида, бу одамларга Ислон Каримов ва у яратган диктатуранинг тинчилиги ҳамда осойишталиги муҳим. Чунки, агар ушбу журналистлар ҳақиқатдан ҳам ўзбек халқининг

Шундай усуллардан бири тинч аҳолига қарата ўт очиб, аҳоли ўз ҳимоячиларини дастаклашни тўхтатишига ҳамда қуролланган рақиб тинч аҳоли тақдири ҳақида қайғуриб, таслим бўлишига эришишдир.

Қўшинида атиги 300 жангчи-мужоҳид бўлатуриб, Россия империясининг босқинига қарши 25 йил қаршилиқ кўрсатган имом Шомил тарихини эсланг! Рус армиясининг кавказлик бир ҳовуч мусулмонлар олдидаги ожизлигини кўргач, Россия подшоси Кавказдаги тинч аҳолини ўлдиришга буйруқ беради. Бу билан рус самодержавиеси халқни халқ ҳимоячиларидан айиришни ҳамда мужоҳидлар ўз ихтиёрлари билан таслим бўлишини истаганди.

Ана шунда баъзи кавказликлар имом Шомилдан босқинчиларга қарши курашни тўхтатишни илтимос қила бошлашган. Шомилга мурожаат қилиб, тоғликлар: “Биз ҳакимизда, тинч аҳоли ҳақида ҳам ўйла! Ахир, сени деб руслар қарияларимизни, аёлларимизни ва болаларимизни ҳам ўлдиришяпти”, дея ёлворишган.

*(Давоми келгуси сонда)*





### Солих алайҳиссалом Қуръони Каримда Самуд қавми ҳақида баён

Энди Аллоҳдан қўрқинг ва менга итоат этинглар. Ифротчиларнинг амрига бўйин эгманг, улар ер (юзи)да фасод чиқариб, ислоҳ қилмайдиган кимсалардир, — деди.

- Сен жодуга дучор бўлганлардансан, — дейишди унга (68). Унинг қавмидан (иймон этакдан) кибрланган кимсалар бечораларига - уларнинг ораларидаги мўмин бўлган зотларга:

- (Сиз) Солихнинг ҳақиқатан ҳам Робби қатинда юборилган Пайғамбар бўлганини ўйлайсизми? — деб сўрашди.

- Ҳа, биз у билан нима юборилган бўлса, унга иймон келтирганларданмиз, — деб жавоб беришди (69). (Кибрланганлар):

-Тўғриси, биз сизнинг иймон этганингизга қарши мункир ва кофир бўлганлармиз, — дейишди (70). (Ва Солихга): - Сен биз каби бир башар (инсон)дан бошқаси эмассан. Агар (Пайғамбар даъвосида) ҳақ бўлсанг, қани бир мўъжиза кўрсат, — (дейишди) (71). (Солих): - Эй қавмим, мана сизга бир оят (мўъжиза) ўлароқ Аллоҳ юборган шу ургочи туя! Энди уни тинч қўйинг, Аллоҳнинг замидада ўтласин... (72) Мана, ўша ургочи туя. (Сув) ичиш ҳаққи (бир кун) уники, бир кун эса сизникидир. Унга бир ёмонлик қилмангиз. Йўқса, сизни бир буюк куннинг азоби тутажакдир, — деди (73).

Лекин ургочи туяни, оёқларини кесарак ўлдиришди. Роббларининг амридан (узоклашиб) исён этдилар ва:

- Солих, агар сен юборилган Пайғамбар эсанг, бизга таҳдид этаётганинг азобни келтир, — дейишди (74).

(Солих): - Юртингизда яна уч кун роҳатлашиб яшанглар. Бу ёлғон таҳдид эмасдир, — деди.

Ва азоб амримиз келди (75).

Тонгга кирганлари вақтда, қўрқинч бир хайқирик (товуш) уларни тутди! Уларнинг мол-мулки улардан (ҳеч бир азобни) даф эта олмади (76).

Тарафимиздан бир раҳмат ўлароқ, Солих ва унинг моютида иймон этганларни (азобдан ва) у куннинг расволигидан қутқардик. Шубҳасиз, Роббинг ниҳоятда қувватлидир, мутлақ ғолибдир.

У золимларни эса даҳшатли товуш маҳв этди, уйларида юзтубан йиқилган ҳолда, гўё ҳеч қачон у ерларда яшамагандай бўлиб қолдилар!

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (6).

Хабарингиз бўлсинки, Самуд (қавми) чиндан ҳам Роббига куфр этдилар. Кўзингизни очинг, яхши билинги, Самудга (Аллоҳнинг раҳматидан) узоклик берилди (77).

Самуд (қавмининг ҳалок этилишида) ҳам (бир ибрат) бор. Уларга “вақтинча фойдаланиб туринглар”, дейилганди, улар Роббларининг амридан узоклашиб, кутургандилар.

Мана, (шунинг учун ҳам) уларни йилдириш (яшин) урганди, оёқда туришга куч тополмади, ёрдам ҳам кўрмадилар (78).

Мана, сенга! Уларнинг ўз зулмлари сабабли хувуллаб қолган уйлари!

Шубҳасиз, бунда билган одам учун (ибратли) бир нишона бор (79). Иймон этиб, (ёмонликдан) қочганларни биз (доимо) қутқардик” (80).

**Солих алайҳиссаломнинг ҳажга кетиши**

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Видолашув ҳажидида Ўсфон водийсига борганда, ҳазрати Абу Бакрдан:

- Бу қайси водий? — деб сўраганди. Ҳазрати Абу Бакр:

- Ўсфон водийси, — деганда, Пайғамбаримиз бу водийдан белига або тутинган ва белидан юқорига ола-була матоҳ билан бурканган Солих алайҳиссалом ёш, қизил, жилови хурмо долларидан ўрилган туяга миниб ҳажга, талбия этарак ўтганини айтди (81).

**Солих алайҳиссаломнинг қавмига қилган хитоби ва маккага кетиши**

Солих алайҳиссалом Самуд қавмини Аллоҳу Таолога иймон ва ибодатга даъват этиши билан машғул бўлганди (82). Самуд қавмининг ҳалок бўлишидан сўнгра, Шундай хитоб этганди (83):

...“ — Эй қавмим, онт бўлсинки, мен сизга Роббимнинг элчилигини таблиғ этдим. Сизларга хайрихоҳлик кўрсатдим. Лекин сизлар хайрихоҳларни севмайсизлар-ку!” (84)

Солих алайҳиссалом ёнидаги мўминларга эса:

- Эй қавмим, шубҳасизки, бу ер Аллоҳнинг бу халққа ғазаб этган еридир. Бу ердан бошқа жойга кўчинглар, Аллоҳнинг Ҳарамига ва Амонига бориб қовушинглар, — деди.

Улар аболари ичида ихром кийдилар. Хурмо ипи билан жиловланган қизил туяларини етаклаб йўлга тушдилар. Талбия қила-қила йўл юрдилар. Маккага бориб қовушдилар.

Умри сўнгигача у ерда қолдилар. Уларнинг қабрлари Каъбанинг ғарб томонида, Даърун-надва билан Ҳижр орасидадир (85). Ривоятларга кўра, Солих алайҳиссалом вафот этганида 258 ёшда (86) ва ёки 280 ёшда эди (87).

**Ҳарамнинг азобдан сақлагани ягона одам Абу Риғол ва унинг оқибати**

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Табук сафаридида Ҳижрдан ўтар экан, Самуд қавмидан фақат Ҳарамнинг сақлагани битта одам соғ қолганлигини билдирди. Асҳоби киром:

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари, бу одам ким? — деб сўрашди.

- Абу Риғол, — деди Пайғамбаримиз (88).

Абу Риғол Сокифларнинг отаси эди (89).

- У Солих алайҳиссаломнинг кули эди (90).

Уни Макка тарафига садақа, закот таҳсилдори ўлароқ жўнатганди.

Абу Риғол сути тортилган (тугаган) юзта қўйи, бир қўчқори ва онаси ўлган бир ўғли бўлган бир одамнинг уйига келди. Унга:

- Мени Расулulloҳ юборди, — деди.

У киши:- Расулulloҳнинг элчиси, хуш келдинг, сафо келдинг,



Агар Ўзбекистон матбуоти бугунгача турар-жой ва коммунал хўжалик муаммоларини ёритишдан чекиниб келган бўлса, бу йилги кирчиллама совуқда бу муаммоларни яширишнинг иложи бўлмай қолмоқда.

Uzinform.com сайтининг “Наманган Сибирь совуғини зўрға эплэй оляпти” («Наманган с трудом справляется с сибирскими морозами») сарлавҳали хабарига Ўзбекистонда турар-жой ва коммунал хўжалик муаммолари нақадар чуқур илдиз отганини билвосита тан олади.

Хабарда айтилишича, 1-3 феврал мобайнида Наманганда ётган қор 20-25 см га етган, Фарғона

водийсини бутун республика билан боғлаб турувчи Қамчиқ довоида эса икки метрлик қор унгуллари юзага келган. Ҳавонинг температураси кундузи -12 даражага, кечаси эса -18 даражага етган.

Шахарда транспорт тезлигини 30-35 км/с дан ошириб бўлмайди. “Тарчи шаҳар бошқармаси йўллارни тозалашга уринса-да, фақат марказий магистралларниёқ

Аввал ҳам хабар берганимиздек, Фарғонада 12.000 сўм бўлган бир қоп кўмирнинг нархи бир неча кунда 20.000 сўмгача сапчиган. Қашқадарёда эса кўмир 20-25 минг сўмга чиққан.

“Наманганда электр энергияси етказишда ҳам қатор муаммоларга дуч келинмоқда. “Наманган электросеть” ташкилотига 24 соатлик навбатчилик йўлга қўйилган.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ОАВ СОВУҚ МУАММОСИНИ ТАН ОЛДИ

тозалашнинг иложи бўлмоқда – махсус техника етишмайди. Айни пайтда автобус ва маршрут таксилар сони камайган, йўл ҳақи ҳам ошиб кетган: 800-1000 сўмдан 1000-2500 сўмгача”, дейилади яна хабарда. Қамчиқдан ўтиш ҳақи эса одатдаги 25 минг сўмдан 80 мингга кўтарилиб кетган.

Бундан ташқари, “Uzbekistan airways” авиакомпаниясида ҳам рейслар камайган. Билетлар фақат олиб-сотарларда топилади: 140 минг сўмлик билет 200 мингга чиққан.

“Иссиқлик манбаи” корхонаси эса бу йилги совуқда ўз вазифасини бажара олмайди. Уйларда батареяларда иссиқлик 17 даражадан ошмайди. Одамлар электр ва газ билан қун ўтказишмоқда. Аммо бу ҳам ўта танқис”, дейилади яна Uzinform.com хабарига. Бунақа вазиятда одамлар ўтин, тараша ва таппи билан жон сақламоқда. Аммо Uzinform.com сайти бу ҳақда жим, зеро таппи билан давлат таъминламайди, таппи билан бировни реклама қилиб ҳам бўлмайди.

UZBEK.FM

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий сайтида чоп этилган «Бошқача йўл йўқ» номли мақолам тагига “Ёрқин” деган киши шундай савол билан мурожат этибди.

**Савол: «Бу мақола нима мақсадда ёзилган?»**

Жавоб: Бу мақола бугунги кунда қўрқоқлик уйқусида мудроқ босиб ётган халқимизни ва уларнинг

юртларда мардикорлик қилиб юрган ўз халқини “дангасалар” дея ҳақоратлагани. Ўзбекистон халқининг ўзига етарли даражада бўлган моддий бойликларини талон-тарож қилаётгани, унинг диктатор ва золим эканлигига яққол далилдир.

У ўзининг атрофига ўзига ўхшаган ва ўзидан бир поғона паст бўлган манқурт

## “ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИДА ШАҲИД БЎЛГАН БИРОДАРЛАРИМИЗ РУҲИНИ ШОД ЭТМОҚ УЧУН...”

ижтимои ҳаётида салбий ўринга эга бўлган диктатор И.Каримов ва унинг сиёсий элитасига қарши ҳамда иқтисодий-сиёсий режимига барҳам бериш учун давлатдир. Албатта тамомийла фитнадан холи бўлган ҳолда.

На ўзбек халқининг олдида, на бошқа миллат халқларининг олдида, қолаверса жажон сиёсий аренасида золим И.Каримовнинг ўз қилмишлари учун на обрў-этибори, на хурмат-иззати тийинга арзимай қолди.

Тирикчилик ғамида ўзга

кимсаларни жамлайди ва ўзига қарши бўлмоқчи булган ҳавф-хатарларни шу манқурт кимсалар орқали бартараф қилади.

Албатта бу ҳавф-хатарлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

Иигирма уч йилдири, халқимизнинг боши узра ўзининг жирканч сиёсий ва иқтисодий ёлғонларга тўла режимини баҳшида этиб келмоқда, ана энди эса золим И.Каримов президентлик курсида умрининг охиригача қолиш ниятида эканини У.Ҳақназаров ва



унинг гуруҳи томонидан ёзилган мақола орқали барчамиз биламиз!

Яна бир бор азиз халқимизга золим И.Каримов режимига ва муқаддас ислом динимизга бўлган эътиқодимиз учун.

Ватанимизда золим И.Каримов режимига қарши мардонавор курашган, адолат ва ҳақиқат йўлида шаҳид бўлган биродарларимиз руҳини шод этмоқ учун.

Ҳақиқий ҳур давлат ва жамият барпо этишимиз учун бир жону, бир тан бўлиб курашмоғимиз лозим!

Сарлочин

*(Давоми: Боши олдинги сонда)*

Энди, келинлар, тарихий қароримиздан келиб чиқадиган асосий вазифаларимизни белгилаб олайлик.

Қарорни халққа ва халқаро жамоатчиликка қандай тақдим этамиз? Балки, биринчи президент ўз лавозимида умрбоқий қолиши ҳақидаги ташаббусни оқсоқоллар, маҳалла қўмиталари, депутатлар билдиришгани маъқулдир?

Ёки бу ишни худди биринчи ва иккинчи етти йиллик муддатни биринчи президентга қўллаганимиздек ёпиқ мажлис ўтказиб, Қонунчилик палатаси ва Сенат орқали қилган яхшими?

Ва бу вазифа учун қайси йўл маъқулроқ: номзодимни кўйиб навбатдаги президентлик сайловларида иштирок қилганим яхшими ёки президентлик сайловларини бекор қилиб, амалдаги президентнинг ваколатларини умрининг охиригача чўздириш ҳақида махсус референдум ўтказган яхшими?

Рустам Расулович, бу борада Дилором Тошмухамедова ва Илгиз Собиров билан маслаҳатлашиш зарур. Уларга айтиб кўйинг: маҳаллий ва халқаро жамоатчиликнинг қароримизга нисбатан билдирадиган муносабатидан хавотир олиб ўтирмасинлар.

Барча зарбани мен ўзимга оламан! Ва айтиб кўйинг: улар ҳам халқ ва халқаро ташкилотларнинг фикрларига тупуришсин. Бизнинг халқ ўзига нима кераклигини билмайди.

Халқ ўзига нима кераклиги билмаса, биз ташаббусни ўз қўлимизга олиб, бу муаммони халқнинг ўрнига ўзимиз ечишимиз керак.

Хавфсизлигимизга таҳдид солувчи омилларни ҳам унутмаслигимиз керак. “Бугунги кунда давлатимизга таҳдид солиши мумкин бўлган асосий куч — Ўзбекистон Исломий Ҳаракати”, — десам қаршилиқ билдирмасангиз керак.

Бу ҳаракат жангарилари юртимизга Афғонистондан бостириб кириши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Халқ Ҳаракатини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Унинг фаоллари мамлакат ичкарасида оммавий норозиликлар ва рангли инқилобларни уюштиришлари мумкин.

Бир нарсани унутманг: ЎИХ ҳам, УХХ ҳам террористик ташкилотлардир. Улар бошқа-бошқа фронтларда ҳаракат қилишади холос. Ва бу жуда яхши. Агар улар бирлашиб кетишса, жуда ёмон бўлади. Ўзбекистон Исломий Ҳаракати террористик ташкилот, деб қабул қилингани биз учун айни муддао.

Акс ҳолда Солиҳ (Муҳаммад Солиҳ назарда тутилмоқда — У.Х.) ва унинг Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Ўзбекистон Исломий Ҳаракати билан жон деб бирлашарди. Дарвоқе, Абдуллазиз Комиловга чиқиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракатини террористик ташкилот деб қабул қилиш масаласини халқроқ ташкилотларда илгари суриш вазифасини топшириш керак.

Бундан ташқари, Рустам (МХХ раиси Рустам Иноятовга мурожаат

мазмунини етказишди. Хусусан, МХХ раиси Рустам Иноятов “идора” томонидан президент Каримовнинг оила аъзолари ва тарафдорларига қарши қаратилган барча ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилди.

Ислом Каримовнинг топшириғига биноан, Иноятов Гулнора Каримованинг ўғли — кичик Ислом Каримовнинг автомобилларидан бирини (“Chevrolet Captiva” автомобилини) президентнинг неварасига қайтариб беришни буюрди. Эндиликда президентнинг невараси шаҳарга ўз автомобилида чиқиши, фақат МХХ вакилининг назорати остида чиқиши мумкин.

Бундан ташқари, президент Каримовнинг топшириғига биноан МХХ раиси ўз “чекист”ларига Гулнора Каримовани аввалгидек қаттиқ назоратда ушлашни давом эттиришни буюрди.

## У.ХАҚНАЗАРОВ: И.КАРИМОВ УМРИНИНГ ОХИРИГАЧА ИҚТИДОРДА ҚОЛИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

— У.Х.), ушбу ҳаракатларнинг фаоллари устидан назоратни кучайтириш керак. Айниқса, Солиҳнинг қариндошлари устидан назоратни янада кучайтириш керак. Керак бўлса, унинг қариндошлари ва дўстларидан махсус интервьюлар олиб, интервьюларда уларни Солиҳга мурожаат қилдиштириб, уни тўғри йўлга чақиришлари керак.

Ва яна. Оммавий ахборот воситаларини ишга солиб, ушбу бузғунчи ҳаракатларга қарши тарғибот бошлаш керак.

Бундан ташқари, масжидлардаги муллаларга Ўзбекистондаги тинчликни кадрлаш зарурлиги ҳақидаги насиҳатларни кучайтиришни буюриш керак”.

Нутқ тугади.

Сиёсий элитанинг кенгаши деярли 3 соат давом этди ва тўқин зиёфат билан якун топди. Зиёфат сўнггида президент Ислом Каримов қаттиқ маст бўлиб қолди.

Назоратни йўқотган президент зиёфатдан сўнг Кўксарой (Дўрмон) қароргоҳига элтиб қўйилди.

Эртаси, яъни 2014 йил 25 январь кунини, кенгаш иштирокчилари қўл остидаги ходимларни йиғиб, уларга Оксаройда бўлиб ўтган кенгаш ва президент Каримов нутқининг

Президентнинг Оксарой қароргоҳида ўтказилган кенгашнинг бошқа иштирокчилари ҳам ўз қўл остидаги ходимлар билан шунга ўхшаш йиғилишлар ўтказишди.

Улар ҳам ўз муассасалари олдида президентнинг 2014 йил 24 январдаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни қўйишди.

Мақоламинг бошида тилга олинган буйруқлар айнан мана шу йиғилишларда қабул қилинди. Шундай қилиб...

**“Томоша” тугади. Ишга киришайлик, жаноблар!**

Охириги 5-6 ой мобайнида бутун дунё, шу жумладан, Каримов режимининг душманлари ҳам, мустабид оиласи ва атрофида авж олган воқеаларни киприк қоқмасдан кузатиб келишди.

Баъзи кузатувчилар: “Ички низоларга ботган Каримов диктатураси хаш-паш дегунча ўз-ўзидан қулайди” — деган ҳаёлга боришди.

Режимнинг бошқа душманлари, айниқса, Ўзбекистондаги сиёсий ҳокимиятга ҳеч қандай ҳаракатсиз ва қурбонларсиз эришишни истаётган ялқов фуқаро ва гуруҳлар эса умуман осмондан  
*(Давоми келгуси саҳифада)*



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

бахт тушишини кута бошлашди.

Лекин уларнинг истакваҳаёллари чиппака чикди: қари мустабид Ўзбекистон сиёсий элитасини йиғиб, республикани умрининг охиригача бошқармоқчилигини эълон қилди.

Боз устига, Ўзбекистон Исломиёв Харақати жангарилари бошлаши мумкин бўлган ҳарбий босқиннинг ҳамда Ўзбекистон Халқ Харақати фаоллари уюштириши мумкин бўлган оммавий норозиликларнинг олдини олиш мақсадида Ислом Каримов ўз қароргоҳидаги ҳарбий техникани янгилашни, чегара қўриғини ҳамда муҳолиф кайфиятдаги фуқароларни таъкиб қилишни кучайтиришни буюрди.

Ислом Каримов томонидан 2014 йил 24 январь куни берилган топшириқлар қари золим қуролли интиқомдан каттик қўрқаётганидан

Бундан “муҳолифатчи”ларнинг устидан фақат диктатор Каримов ва унинг югурдаклари эмас, балки Ғарб демократияси вакиллари ҳам кулмоқда.

Масалан, Лондон шаҳрининг собиқ мэри Кен Ливингтон (Ken Livingstone). 2005 йилдаги Андижон қатлиомидан сўнг у Каримов диктатурасига қарши фақат қўлда қурол билан курашиш лозимлигини айтди (“I see no way other than through the assassin’s bullet or the assassin’s bomb”).

Ҳа, Каримов диктатурасини фақат яхши ташкил қилинган ҳарбий кураш билан ағдариш мумкинлигини ҳамма тушуниб етди.

Бирок, юқоридега ёзганимиздек, бу ҳақиқатни дунёвий ўзбек муҳолифатининг айрим қўрқоқ унсурлари тушуна олмаяпти холос.

## **У.ХАҚНАЗАРОВ: И.КАРИМОВ УМРИНИНГ ОХИРИГАЧА ИҚТИДОРДА ҚОЛИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ**

далолат беради.

Бундан ташқари, президент нутқининг ЎИХ ва ЎХХ ҳақидаги қисми диктатурага қарши курашаётган икки сиёсий ҳарақатнинг ҳарбий фронтда бирлашишидан чўчиётганини англайди.

Бирок Ўзбекистоннинг дунёвий муҳолифати Каримов режимига қарши қурол билан курашиш зарурлигини англаяптими?

Маълум-ки, гарчи дунёвий ўзбек муҳолифати қурол ва зўравонликнинг яқинига йўламаган ва йўламаётган бўлса ҳам, Каримов диктатураси ўзининг илк кунлариданоқ дунёвий ўзбек муҳолифатини “Ўзбекистондаги конституцион тузумни зўравонлик билан ағдариш” да айблаб келмоқда.

Бу вазиятда ўзбек муҳолифати нима қилмоқда?

Ўзбек муҳолифати, айниқса, унинг “либерал” қисми “демократик олам” га ўзининг оппоқлигини, диктатурани ҳарбий йўллар билан ағдариш нияти асло йўқлигини исботлашга уриниб келмоқда.

Бу кулгили ҳол!

Қўлларига Калашников автоматларини олишдан ўлгудек қўрқаётган ўзбек “муҳолифатчи”ларининг устидан ҳамма кулмоқда.

**Сўнгсўз**

Ушбу мақоламиздан кейин Каримов режимини ҳарбий йўл билан ағдаришга чақирганимизга қарши сон-саноксиз шарҳ ва материаллар чиқишига аминмиз.

Яна шунга ҳам аминмизки, “Усмон Ҳақназаровни ва унинг гуруҳини қоралаш иши” га биринчи бўлиб Каримов диктатурасининг малайлари, кейин эса – дунёвий муҳолифатнинг баъзи вакиллари ҳамда айрим “мустақил” ҳуқуқбон ва журналистлар киришишади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Каримов диктатурасига қарши қанча саҳифа танқидий ва фош қилувчи мақолалар ёзилди? Миллионлаб саҳифа!

Каримов ва унинг атрофидаги амалдорларга қарши бизнинг гуруҳимизнинг ўзи 200 саҳифадан ортиқ мақола ёзди.

Каримов режимининг адолатсизликлари ҳақида халқаро ташкилотларга қанча саҳифа шикоятлар ёзилди? Минлаб саҳифа!

Ва шунча ҳарақатдан қандай натижа чикди? Ҳеч қандай натижа чикмади!

Ва сиз Каримов диктатурасига қарши ҳали ҳам компьютерларингиз олдида ўтириб, уйлариңгиздан чикмасдан курашмоқчимизсиз?!

Сизлардан фаркли равишда биз Каримовга қарши фақат ўз мақолларимиз билан курашишни истамаймиз!

Гуруҳимиз тезроқ қўлга қурол олиб, Ислом Каримовга ва унинг режимига қарши ҳарбий курашни бошлашни истаяпти.

Фурсатдан фойдаланиб, Каримов диктатурасига қарши бўлган барча кишиларни кўпийлик мустабид режимга қарши қуролли курашга чақирамиз!

Ҳарбий иштирок билан биргаликда гуруҳимиз қуролланган ўзбек муҳолифати учун зарур бўлган ҳарбий-стратегик характердаги барча маълумотларни етказиб туришни ўз зиммасига олади.

Шундай экан, Каримов диктатурасининг душманлари бўлмиш жаноблар, нима қиламиз: уйлариңгиздан чиқишга кўрқиб, бефойда танқидий ва фош қилувчи мақолалар ёзишни ҳамда Каримов зулмидан шикоят қилиб, йиғлашни давом эттираммизми ёки қўлларимизга қурол олиб, золимга қарши чиқамизми?

**Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,  
сиёсатишунос**

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Мажоз ва ташбехлар билан ўралган бу шеърларда асл маъно, нозик парда ортга бекитилгандир.

Шоирнинг бу йўлни танлашининг бир қанча ҳақли сабаблари бордир.

1960 йилларнинг охирида, 1956 йилдан бери ҳаётнинг ҳар соҳасида кўрилган нисбий эркинлик барҳам топади. Сталин даврида, ўттиз йил давомида амал қилиб келинган зўравонлик сиёсати, яна янгидан жонлантирилди. Бутун Совет Иттифоқи, иқтисодий ва фикрлаш нуктаи-назари “Турғунлик ботқоғига” ботди. Шоирлар ва ёзувчилар устидан юргизиладиган сиёсий босим яна ҳам оғирлашди. Бундай тадбирга қарши чиққанлар жазолантирилди. 1970-йилларда Александр Солженитсин ва Андрей Сахаров каби либерал фикрли рус зиёлилари ҳам, “ватан хоини” ва ё “халқ душмани” эълон этилиб, мамлакатдан ҳайдаб чиқарилдилар, ёки қамокқа ташландилар. Ўзбек шеъриятининг ҳозирги замон буюк шоирларидан Эркин Воҳидов ҳам 1968 йилда ёзган “Ўзбегим” номли қасидаси учун, бир неча бор КГБга

замон, қандай вазиятда, ҳаётда қолмоқнинг бир йўлини топа олмоқдадир. 1970 йилларда, шеърнинг ўз-ўзини химоя қиладиган қалқони – метофоризм эди”. Метафора – миллий идеални, соф адабиёт воситасида ифодалаш имконини кенгайтди. Муҳаммад Солиҳ, бошқа бир мақолада ҳам, шоир ва ёзувчиларнинг 1970 йилларда қайси шартлар остида асарлар ёзганларини изоҳларкан, таъкиб-таъйиқлар сабабли “ўз сўзларига қават - қават кўйлақлар” кийдирганларини айтади. Муҳаммад Солиҳнинг, тузумни танқид этиб ёзган илк шеъри, “Кечиккан баҳор” дир. Шеър 1975 йилда ёзилган. Бу шеърда совет тузумининг парчаланганлиги билдирилмоқда.

Муҳаммад Солиҳ, шеър сўнгида ўзгача бир янгиликдан сўз очади. Аммо, бу ўзгачаликнинг моҳияти ҳаққида ҳеч нарса демайди; фақат “ҳаттоки бешинчи фасл бўлса ҳам майли”, дейди. “Бешинчи фасл”, яъни бешинчи мавсум, ҳали дунё билмаган янги бир ҳаёт тарзи демактер. Муҳаққак

Муҳаммад Солиҳ, ҳаёт ҳикоясини англатар экан, яшаш мумкин бўлган бир уйга кўчишни ўзи учун на қадар катта воқеа бўлганини шундай ифодалайди: 1984-йил охирида, ҳаётимда “муҳим бир воқеа юз берди.

Ёзувчилар Уюшмаси менга бир эмас, икки эмас, нақд уч хонали уй берди. Ўн тўрт йил ижарада яшаган совет кишиси учун, бу бир мўжиза эди.

Бирок, Муҳаммад Солиҳ, таъриф этган бу уй 1993 йилнинг баҳорида тортиб олинди.

“Дастлабки қувонч” шеърида, эслатганимиздек, шоир ўзи орзу қилган уйнинг деворларини шафқат-ла силамоқни, уйнинг эшикларини, ошиқ йигит қизни қучгани сингари қучоқлашини, ҳаммомига кириб, завқдан қичқирмоқни, ва истаган портретни истаган деворига осмоқни ҳаёл қилади. Ва ниҳоят, уйдан қувилмоқ хавотиридан қутулганидан хурсанд бўлади.

Муҳаммад Солиҳ, шеърларининг энг асосий қисмини пессимистик кайфиятдаги шеърлар ташкил

## МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

чакирилиб сўроқ қилинди. Аммо, бундай таъқиқлардан илгарироқ, ўн йилча давом этган сиёсатдаги юмшаш даврида, адабиётда муҳим ўзгаришлар юз берди. Совет идеологиясини танқид этган, ҳатто рад этган миллий асарлар чоп этилган эди. Бошқача ифодаланадиган бўлса, адабиётда янгидан пайвандланган миллий уйғониш фикри, бу вақтга келиб инсонларнинг кўзини очган эди.

Шу сабабли янги зулм сиёсати, адабиётда кўринган миллий уйғониш ҳаракатини тамоман сўндира олмади. Адабиёт, 1970 йилларда, бу миллий характерини, айниқса шеърда, янгича бир шаклда давом эттирди. Муҳаммад Солиҳ, 1970 йиллар шеъриятида пайдо бўлган бу шаклни шундай изоҳлайди: “Сотсиал, сиёсий ва очикча ифодалар ўрнига, қоришиқ шакллардан майдонга келган, ёпиқ ифодалар шеъриятда ўрин олди. Биз бунини ўша даврда “метафоризим” деб атадик. Метафоризим, 1970 йилларнинг бошида янада кучайган сиёсий ва сотсиал таъйиқларга қарши адабиёт тарафидан қўлланилган бир қалқон эди.

Адабиёт жонли бир хилқатдир. Ҳар қандай шароитда ўзини химоялаб келмоқда. Чунки ҳар

бир ўзгаришни орзу этган шоир тасаввуримизга сиғмаган, ҳатто, инсон фарзандининг кўзи кўриб, қулоғи эшитмаган номаълум бир ҳаёт тарзига ҳам розидир. Зеро, бу янги ҳаёт тарзининг, қанчалар ёмон бўлса бўлсин, ҳозирги ҳаёт тарзидан яхшироқ бўлажагига мутлақо ишонмоқдадир:

*Бизга фасл керак!*

*Фарқи йўқ бизга*

*Ҳаттоки бешинчи*

*фасл бўлса ҳам!*

Муҳаммад Солиҳ, “Сенинг уйинг” номли шу йилларда ёзган шеърида эса, бахт ва саодат мажхул бур мамлакатда зоҳир бўлганлигини билдирмоқда.

*Бахт мутлоқ хабарсиз –*

*Ўзининг акси*

*Ўзидан узоқда, ўша кўзгуда*

*Жимирлаб турганин билмайди.*

У “Байрам” номли шеърида, совет жамиятини ва бу жамиятнинг қадриятларини, иштирок этиш мажбуриятида қолган байрамларини рад этишини билдиради. “Дастлабки қувонч” шеърида эса, бир инсон ўлароқ, мулкдорнинг туйғусини бош планга чиқаради. Аммо, тузум бунини қабул этмайди. Ҳолбуки, бир уйга эга бўлмоқ, шоир учун энг буюк бахтиёрликдир.

этгани учун, 1980 йилларда танқидчиларнинг эътирозига учради.

Чунки ундан, Совет идеологиясига хизмат қилувчи, ўзи яшаб турган ҳаётга мадҳиялар ёзиши, “қасидабозлик”ни кутишаётган эди.

Шоирга қаратилган танқидларда, совет ҳаёт тарзининг у ўйлагандек зулмат ичида эмаслигини, ва бундай тушунчанинг аслида ваҳимадан иборат эканлигини хотирлатади:

*Танқидчи айтгандай сендаги*

*ҳар шеър,*

*Сўриб олингандир,*

*асли бармоқдан.*

*Бармогингни сўриб,*

*сени босар тер,*

*Тош турар кўндаланг,*

*- худди томоқда.*

Шеърда ифодаланганидек, шоирнинг ҳеч қайси шеъри, муайян фикр асосига таянмаган.

Аксинча, унинг шеърлари, бир бармоғи оғзида бўлгани ҳолда, қон, тер ичида ёзилган ҳаяжонлардан бошқа нарса эмасдир.

Муҳаммад Солиҳ, бундай айбномаларга жавобан, шеърнинг қайнар булоғи бармоқларида эканлигини қабул этади.

(Давоми келгуси сонда)

Туш пайти. Тиккага келган куёш ҳамма ёкни киздиради. Жазирама сабабли пешонамдан томчи-томчи тер сирғалиб тушади.

Кўйлагимни-ку айтмасам ҳам бўлади: худди жалада қолиб, шалаббо бўлган одамга ўхшаб қолганман. Бу ҳам ҳеч нима эмас. Асосийси, қаттиқ чанқоқ тезроқ бирор ерда тўхтаб муздай сув ичишга ундайди.

Аслида-ку эрталабдан бери туз тотганим ҳам йўқ. Лекин муздай зилол сувдан ўзга нарса кўзга кўринармиди, бундай пайтда?!

Шу илинжда дуч келган овқатланиш масканидаги ўриндиқлардан бирига жойлашиб, газли сув, нон ва тамадди учун у-бу буюртирдим. Зил-замбил сафар сумкасида бўшаган елкам гўё пар сингари енгил тортди-қўйди. “Алҳамдулиллаҳ” дейман паст овозда.

Чамаси ўн беш-йигирма дақиқа ичида официант буюртирган нарсаларимни бирин-кетин олиб келди. Чанқоқ босилди. Қорин ғами ҳам кетди. “Қорин тўқ – ғам йўқ”.

Бундай вазиятларда кишини одагга хиссий кечинмалар ўз домига тортади. Хаёлот дунёсига ғарқ бўласан киши.

Кимдир орзулар осмонида учиб юрса, яна кимдир армонлар уммонида сузиб юради. Кимдир келажакни эслаб энтикса, бошқа кимдир изтироб чекади. Хавотир, соғинч ва мавҳумлик омухта хаёлотлар менинг ҳам ичимни тобора кемириб боради. Соатга қарайман.

Поезд жўнашига ҳали беш соат бор. “Ё Аллоҳ!” – дейман ичимда, – “Ишкилиб эсон-омон етиб олайинда!”

Нохуш ўйларни қувиб солиш учун ён-атрофни томоша қилишга уринаман: бозор ҳар доимгидек сершовкин. Сотувчилар кўпроқ мол сотиш илинжида “кеп қолинг”дан бўшамайди. Харидорлар кўплигидан йўлақларда тикилинч вужудга келган, “пўшт, арава” – иборасини сув қилиб ичиб олган аравакашларнинг эса айни шу вазият туфайли хуноби чиққан: қандай қилиб шундай тикилинчда аравани хотиржам ҳайдаш мумкин?

Ён-атрофни томоша қилавериш зерикиб кетаман. Яна соатга қарайман. Эҳ, ҳали бир соат ҳам ўтмабди-ку. Турган гапки, вокзалга бориш учун ҳали эрта. Шундай бўлса-да, таом ҳақини тўлаб, тамаддиҳонани тарк этишга чоғлана бошладим.

Яна ўша зил-замбил сумкамни “шўрлик” елкага ортдим.

Бекат томон кетар эканман, бозор ичкарасидаги бақир-чақир диққатимни жалб этди. “Нима экан” дея қизиқа бошладим. Қизик хиссиёт: Ақлим – “Борма, бошинга ғалва орттириб нима қиласан” – деса, қалбим – “Бор” дея такрорларди. Бақир-чақир томон кадам ташлай бошладим.

Борсам, навқирон ёшдаги “погон”ли йигит отаси тенги қарияга “тушунтириш ишлари” олиб бораётган экан.

– “Ҳой бобой, мен сенга айтмабидим, бу ерда бошқа савдо қилганингни кўрмайин деб,



айтмабидим, а?” – ўдағайлади ёши чамаси ўттизлар атрофидаги “халқ посбони” соқолига оқ оралаган новвойга.

– “Командир, Худоё барака топинг! Болаларимни ризқини қийманг! Бу ерда савдо қилолмасам, бошқа жойда рухсат бўлмаса, тирикчиликни қандоқ қиламан, ахир?” – қуйинарди чол. Унинг изтиробли оҳангидан қалбларим увушиб кетди.

– “Тфу, э сени тирикчилигингни... Йўқол бу ердан. Бошқа туркингни кўрмай. Ҳаммасини қонунийлаштириб кейин келасан”, – посбон ғазабнок бақирди.

– “Электр учун тўласам, газ учун тўласам, унга тўласам, бунга тўласам, энди сизларга ҳам берадиган бўлсам, харажатимни қопламайди-ку”, – ялинарди новвой.

Субҳоналлоҳ, қўли гул хунарманд қаердаги муттахам олдида хор бўлиб турарди.

Ақл бовар қилмайди. Афтидан амалдорларнинг бюрократия ва порахўрлик дея аталмиш “хизмат вазифалари” туфайли новвой улар учун “соғин сигир”га айланиб қолган эди.

– “Э, бу мани муаммойим эмас. Шунақа қиларкансан, ноқонуний фаолиятинг учун товарингни мусодара қилишга мажбурман”

– посбон шундай деди-ю, арава устидаги нонларга чанг солди.

– “Ҳай, командир, Худо хайрингизни берсин! Болаларимни ризқини қийманг! Илтимо! Бўлди, бошқа келмайман.

Фақат нонларимни олиб қўйманг илтимо!”, – чол ялина-ялина посбоннинг чанг солган қўлларини тўсгандай бўлди.

– “Ички ишлар ходимига қаршилиқ кўрсатяпсанми? Ички ишлар ходими-я! Дўппи кийиб олисан.

Ваҳҳобий-пахҳобиймасмисан мабодо?” – пўписа қилишга ўтган “посбон” рация орқали шерикларини чақирди ва аравада матога ўралган

нон ўрамини даст кўтармоқчи бўлди.

– “Милиса болам, илтимо!” – чол ялинганнамо унинг қўлидан нонни олмоқчи бўлди. Чолнинг ялинишини кўриб қўнғлим багтар бузилди. “Посбон” ҳақоратлай-ҳақоратлай матони силтаб тортди. Мато очилиб кетиб, ичидаги нонлар ерга тушди, қора чангга ботди. Чолнинг кўзлари ёшланди, менинг жигар-бағрим қон бўлди.

– “Сен ҳали ростдан ҳукуматга қарши одамга ўхшайсан, ифлос, ваҳҳобий!” – “посбон” чолнинг ёқасидан олди ва кўксидан итариб юборди. Хўрлигим келди. Ноиложлик дилимни багтар эзди. Бу орада мухобир орқали чақирилган бошқа “посбонлар” ҳам келиб, “мусодара операцияси”ни якунига етказиб бердилар...

\*\*\*

Атрофга назар солар эканман, мазкур “театр”ни бозордаги ҳамма узоқ-яқиндан томоша қилиб турганига гувоҳ бўлдим. Кимнингдир чехрасида истехзо, кимдадир ачиниш ҳисси намоён эди. Энг ёмон томони шунда эдики, шунча одам лом-мим демай жим томоша қилиб турарди. Ўзимча ўйлайман: “Лоқал бирор зот эътироз билдирмади-я! Куппа кундузи қароқчилик бўлди, ахир”.

*(Давоми келгуси саҳифада)*



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“Хусусан мен ҳам” дейман яна ўзимга ўзим. Бозордан узоқлашиб борганим сайин, бўлиб ўтган воқеа қалбимни қийнади.

Энди елкадаги сумканинг оғирлиги билинмас, кун бўйи юриб толиққанам, умуман танамдаги барча дардлар хаёлимдан ўчганди. Мен бутунлай бошқа нарса ҳақида ўйлардим. Бу воқеа аллақандай кўнгилсизлик эмас, балки чинакам фожеа эди. Ҳа бу ҳодиса, аслида новвой чолнинг эмас, бутун бошли халқнинг фожеавий аҳволда эканлигини кўрсатади.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам айтганлар (маъноси шундай): “Кимда-ким бирор мункарни кўрса қўли билан қайтарсин.

Бунга қодир бўлмаса тили билан қайтарсин! Бунга ҳам қодир бўлмаса дили билан қайтарсин! Иймоннинг заифи шудир”.

Президент Ислоом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари ҳақида» қарорига кўра, 1 июлдан кейин биометрик паспорти бўлмаган фуқаронинг четга чиқиши мумкин эмас.

## БИОМЕТРИК ПАСПОРТСИЗ КИШИНИ ЧЕТГА ЧИҚАРМАСЛИК УНИНГ ҲУҚУҚИНИ ПОЙМОЛ ҚИЛМАЙДИМИ?

Биометрик паспортсиз авиа ёки темир йўл чиптаси сотилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу мазмундаги қарори 6 феврал куни қабул қилингани хабар қилинмоқда.

Биз билан гаплашган баъзи фуқаролар Тошкентда ва вилоятларда ушбу хабар чиққач, паспорт столларида навбатлар аввалгидан кўпайганини айтишди.

Жумладан тошкентлик суҳбатдошга кўра, ҳукумат қарори бугун радиога эълон қилинган.

Иш хоналарда ҳам бир неча кундан буён ходимларга биометрик паспорт олишни тезлаштириш билдирилмоқда.

\*\*\*

Халқимизнинг аслида шундай залил аҳволга келиб қолиши ҳам, ислом асосларидан чекинганлигимиз сабаблидир. XIX асрда чор истибодчилари келди.

## ҲАНУЗ ҲЕЧ КИМ ЧУРҚ ЭТМАДИ

Бизни шаръий ҳукуматимиздан – эркимиздан айирди. Биз бўйин эгдик. Кейин эса Шўролар келди, улар биздан динимизни тортиб олишди. Биз бўйин эгдик. Бўйсунушни истамаган, қанчадан-қанча мард йигитлар шаҳид бўлиб кетишди. Биз уларга ёрдам бериш ўрнига, уларни маломат қилдик. Энди эса тоғут келиб, бизни қолган ҳақ-ҳуқуқимиздан айирапти. Биз эса ўша-ўша... Бошимиз ҳам, бўйнимиз эгик.

Дуч келганга бўйин эгаверсак, охири нимамиз қолади? Етар ахир шунча хўрликлар!

«Одамлар паспорт алмаштиришга тушиб қолишди. Четга чиқувчилар ҳам кўп.

Улар пул билан қисқа муддатга паспорт олишга ҳаракат қилишяпти.

Нарҳини керакли одамлар билан келишасиз. Паспорт столдагилар учун бу қулай

Шу биргина воқеанинг ўзида новвой чол эмас, бутун бошли халқнинг қадриятлари хўрланди! Кеча жиҳод ва эъдод қилган киши террорист саналарди. Бугун ҳатто дўппи кийганга ҳам бу ёрлик

ёпиштирилади. Эртага “Лаа илаҳа иллаллоҳ” деган ҳам террористга чиқарилса, ажабланманг.

Бу ҳақсизликлар яна қанча давом этиши мумкин?

Шундай ўйлар оғушида поездга ҳам чиқдим.

Лекин неки қилмайин бозордаги воқеа хаёлимни ҳеч ҳам тарк этмас, аксинча тобора чуқур изтиробга солаверарди.

Бу воқеа қанча вақт ўтса-да ҳануз ёдимдан кетмайди, ҳануз кўз олдимда гавдаланаверади...

**Муслим Бухорий**

ойидаги фармонида биометрик паспортларни тарқатишни 2011 йилда бошлаш ва 2015 йил охиригача яқунлаш назарда тутилган.

Бироқ паспорт идораларида паспорт бериш жараёнига улгурилмагани боис, бу амалларни мажбуран тезлаштирмасликка қарор қилинган эди.

Эълон қилинган қарорга кўра, биометрик паспорт бериш расман 2015 йилда яқунланса ҳам, четга чиқувчилар учун бу муддатнинг 1,5 йил олдин тугатилиши фуқароларга қоғозбозликлардан ташқари янги муаммолар келтириб чиқариши мумкинлиги, уларни ташқарига чиқмасликларига қарши чора, деб ҳам айтилмоқда.

Би-би-си ўзбекистонлик юрист ва инсон ҳақлари фаоли Рухиддин Комиловдан бу жараён қандай кечаётганлигини сўради.

**bbc.co.uk**

### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

расмий нашри

www.uzxalqharakati.com/erkin yurt

Мухаррир: Камолиддин Йўлдош